

**“EUROASIA INSURANCE” акциядорлик жамияти шаклидаги  
Кўшма корхонаси акциядорларининг  
йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида  
ХАБАРНОМА**

**Хурматли акциядорлар!**

“EUROASIA INSURANCE” акциядорлик жамияти шаклидаги кўшма корхонаси Кузатув кенгашининг 2023 йил 13 сентябрдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 4 октябрь куни, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси 3А-уйда жойлашган Жамият мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2023 йил 4 октябрь куни соат 10:00 дан 10:50 гача амалга оширилади.

Умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар бериш билан боғлиқ бўлган акциядорларнинг реестри 2023 йил 13 сентябрь ҳолатига тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг реестри 2023 йил 28 сентябрь ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: [info@eai.uz](mailto:info@eai.uz)

**Кун тартиби:**

1. Ижроия органининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
  - Бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Кузатув кенгашининг 2022 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
4. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тинглаш.
5. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
7. Жамият устав фондини ошириш тўғрисида;
8. Кўшимча акциялар чиқариш тўғрисида;
9. Кўшимча акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида;
10. Кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш тўғрисида;
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
12. 2023 йил бизнес режасини тасдиқлаш;
13. Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
14. Аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси 3А-уйда жойлашган Жамиятнинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

**Кузатув кенгаши.**